

**IN NEW UZBEKISTAN - INSTITUTIONAL CHANGES AS A COUNTRY WHERE
HUMAN DEVELOPMENT AND TALENT ARE VALUED**

Kadyrov Momin Kadyrovich,

Secretary of the Council of the National University of Uzbekistan

E-mail: kmumin@rambler.ru

Tel.: +99891 522 33 53

Bo'taev Usmonjon Hayrullaevich

Doctoral student of the National University of Uzbekistan

E-mail: usmonuz@mail.ru

Tel.: +99899 887 28 59

Voxidov Erkin Ruzimaxammadovich,

Basic doctoral student of the National University of Uzbekistan

E-mail: erkinbek_02@mail.ru

Tel.: +99890 966 82 02

Ganiev Oybek Nuriddin oglı

Researcher of the National University of Uzbekistan

E-mail: oybekg@yahoo.com

Tel: +99897 7717901

Abstract

This article highlights the institutional changes in the civil service for human development and talent in New Uzbekistan.

The article analyzes the content and viability of reforms aimed at improving human resources in the civil service in Uzbekistan over the past four years.

Keywords: public service, civil service, man, human factor, human capital, human resource, higher education, personnel, new generation personnel.

Янги Ўзбекистон – инсоннинг ривожланиши ва истеъоди қадрланадиган мамлакат. Бугунги кунда илм-фан, таълим, инновация, технология ва кадрлар замонавий демократик жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили эканига ҳеч ким шубҳа килмайди. Бунинг учун, мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам маънавий бой ва баркамол, замонавий билимларга эга бўлган, мустақил фикрловчи ва карорларни қабул қила олувчи кадрларни тайёрлаш ҳисобланади.

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон”ни қуришга ёрдам берадиган миқёсига кўра улкан ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир Уйғониш-Учинчи Ренессанс даврига пойдевор шакллантирилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат раҳбарлигига келиши билан жамият ва давлат хаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, янги Ўзбекистонни қуриш борасида бошлаган улкан ишлари қаторида давлат бошқаруви тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Чунки давлат бошқаруви органлари учун кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига кўйиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. М.И.Гулиев таъкидлаганидек, “кадрлар инструмент ҳам, машина ҳам эмас, шунингдек, улар “тоза вароқ” ҳам эмас. Уларда туйғу, умид, хавфсирашлар мавжуд”.

Албатта, давлат бошқаруви органлари тизимида ишга кирувчи шахс маҳсус билим савиясига эга бўлади ва бунинг учун муомала лаёқатини қўлга киритган бўлади. Шахс ижтимоийлашуви жараёнида унинг тузилмаси, яъни темперамент, характер, қобилияти ҳам шаклланади. Демак, тарбия жараёни орқали ижтимоийлашув институтлари ёрдамида керакли параметрларга жавоб берувчи кадрни тайёрлаш мумкин бўлади.

Давлат хизмати – бу давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблағ билан таъминланувчи барча шахсларнинг фаолиятидир. Ҳуқуқшунос олим Д.Н.Бахрахнинг фикрича: “Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт, давлат органларининг маҳсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат.”

Шуларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиси тушунчасининг асосий белгилари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиси – бу 18 ёшга тўлган, давлат тилини билган, маълум бир билимга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир. Давлат хизматчиси давлатхизмат муносабатларининг бир томонини ташкил этади. Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат муносабатлари юзага келиб, унга кўра хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини, давлат қурилишининг маълум бир мақсадларига эришиш учун маҳсус вазифаларни бажаради, давлат (давлат органи) эса ўз навбатида хизматчи олдида: унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўрнатади ва

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

таъминлайди, ижтимоий-хуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағи билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга бўлади.

иккинчидан, давлат хизматчиси фаолияти давлат хизматини тартиба солувчи қонунчилик хужжатлари талабларига мос келиши керак;

учинчидан, давлат хизматчиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда пул билан таъминланадиган давлат мансабини эгаллайди. Қонунчилик давлат хизматчиси фаолиятининг мазмунини, унинг хуқуқий ҳолатини, фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва асосий йўналишларини, хуқуқларни, мажбуриятларни, жавобгарликни, чекловларни, кафолатларни белгилаб беради. Давлат мансабларини фақатгина давлат хизматчилари эгаллашлари мумкин;

тўртинчидан, давлат хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда малака даражалари берилади;

бешинчидан, давлат хизматчиси давлат функцияларини, давлат органларининг ваколатларини, яъни иқтисодий, ижтимоий, маъмурий-сиёсий соҳаларда (давлатнинг молиявий фаолияти, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона, банк иши, солиқقا тортиш, хукуқбузарликларга қарши курашиш, ички ишлар, ташқи сиёсий фаолият ва ҳ.к.ларда) давлат вазифаларини амалга оширадилар;

олтинчидан, давлат хизматчиси аксарият ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга оширадилар (масалан, бошқарув қарорларини қабул киладилар, жазога тортадилар). Бундай ҳаракатлар юридик фактлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат хизматчиларининг бундай ҳаракатлари давлат ва жамият хаётида турли ижтимоий муносабатларни вужудга келтириши, ўзгариши ёки бекор қилиши мумкин;

еттинчидан, давлат хизматчиларининг фаолияти, қоида бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмас. Давлат хизматчилари ишлаб чиқариш жараёнига уни йўналтириш, бошқариш, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошқа функциялар орқали таъсир қўрсатади.

Бугун мамлакатимизда давлат ва фуқаролик хизматлари борасида туб ўзгаришлар сўнгги тўрт йилини кўз олдимиздан ўтказадиган бўлсак соҳада бир қатор институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатларстратегиясини келтиришимиз мумкин. Ҳаракатлар стратегияси — янги Ўзбекистонни қуриш учун

пойдевордир. Бугунги жадал суръатларда ривожланаётган дунёда фақат замон билан хамнафас одимлаётган, жамият ва давлатни модернизация қилиш учун зарур ислоҳотларни амалга ошираётган давлатларгина рақобатбардош бўла олишини англашдан келиб чиқиб, янги Ўзбекистон учун янги сиёsat ва мамлакат тараққиёти учун узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Давлат фуқароолик хизматида инсон ресурсларини ривожланишига кейинги қадам, 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармониниқабул қилиниши бўлди. Мазкур фармон билан тасдиқланган концепцияда куйидаги йўналишишларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди;

Биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

Иккинчидан, ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизmlари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш;

Учинчидан, иқтисодиёт тармоқлариiga маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизmlарини кенгайтириш;

Тўртинчидан, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизmlарини такомиллаштириш;

Бешинчидан, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

Олтинчидан, профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизmlарини жорий этиш;

Еттинчидан, маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар. Мазкур концепцияни қабул қилиниши асосида мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизими барпо этилишига йўналтирилди.

Янги Ўзбекистон – инсоннинг ривожланиши ва истеъоди қадрланадиган мамлакат. Бу борада кейинги қадам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги

“Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони қабул қилинишини айтишимиз керак. Айнан мазкур фармонни қабул қилиниши Ўзбекистонда давлат хизматчиларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида институционал ўзгаришларни белгилаб берди десак муболага бўлмайди.

Чунки, ўтган ўттиз йил мобайнида мамлакатимида давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришга, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл қўймаётган эди. Айнан мазкур фармонда юқорида айтилган муаммони олдини олишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли Қарори юқорида айтилган ўзгаришларни ҳаётийлигини тадбиқ этувчи, амалга оширувчи иснтитутнинг ташкил этилиши бўлди. Мазкур Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Бу агентликнинг қуидагилар асосий вазифаси этиб белгиланди. Хусусан;

- давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганиш;
- давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизмати соҳасида ишларни такомиллаштириш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни белгиланган тартибда киритиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма огоҳлантириш эълон қилиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;
- ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хulosалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг давлат фуқаролик хизмати масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари ва ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

- ўзига юқлатилган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гурухлар тузиш;
- давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги қонун ҳужжатларига зид ҳужжатларини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиши.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, 2020 йилнинг 29 декабрь куни навбатдаги Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланётган Мурожаатномасининг мазмунида ҳам инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Сабаби Мурожаатноманинг умумий концепцияси **“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган ғоясосида баён этилиб, жамиятнинг барча соҳаларидаги ўзгаришларнинг замирида инсон ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишнинг барча механизmlари келтирилади. Шундан ҳам кўришимиз мумкинки, “ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим” эканлиги эътироф этилади.